



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК  
Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи  
Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПК-408 сонли қарорига асосан Фарғона шаҳар Янги Соғ МФЙ ҳудудига яшовчи 2452 нафар аҳолини тоза ичимлик суви тармоқларини янгилаш мақсадида қуйидагиларни бажарилиши тавсия этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Фарғона шаҳар Янги Соғ МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 490 м<sup>3</sup> ҳисобланиб, **уланиш нуқтаси**. Янги Соғ МФЙ Ватан кўчаси ҳудудидан ўтган Д-250 ммли материали темир атмосфера босими 0.6 АТМ бўлган ичимлик сув тармоғидан Қувонч, А.Мухтор, Ю.Шакаржон, Ибн Сино, Ватан ҳамда Янги Турон кўчаларига лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларга асосан 1,2 км ичимлик сув тармоғини янгилаш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Фарғона шаҳар бўлими раҳбари:

С.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
ИЧБ бошлиғи:

И.Хасанов